

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ,
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА
ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ВАЗИРЛИГИ
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ
Мухтарамҳамкасблар!

«ОРОЛБЎЙИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ»
мавзусидаги

Республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманда
иштирок этишга таклиф қиламиз!

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри 14апрел 2023 йил

Конференция иши куйидаги шўъбаларда ўтказилиши режалаштирилмоқда:

- Экологиянинг долзарб муаммолари
- Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш
- Халқаро ҳамкорлик ва туризмни ривожлантириш

Конференциянинг ишчи тиллари: ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз

Конференцияда иштирок этиш шакллари:

- Шахсан: конференцияда доклад биланчиқиш, материалларни босмадан чиқариш.
- Сиртдан: конференцияда шахсан қатнашмасдан материалларни эълон қилдириш.

Қатнашиш шартлари: Конференцияда илмий муассасалар раҳбарлари ва ходимлари, таълим муассасалари ишчилари ва илмий ходимлар, докторантлар, стажёр-изланувчилар ва магистрантлар иштирок этишлари мумкин.

Конференцияда оғзаки доклад қилиш ва деворий доклад шаклида қатнашиш мумкин. Конференцияга тақдим этилаётган докладлар долзарб муаммолар ечимига бағишланган ёки муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Конференцияга тақдим этилган материалларни нашр этиш кўзда тутилган бўлиб, бунда уларнинг ҳажми 2 бетдан кам бўлмаган ва 4 бетдан ошмаган бўлиши керак. Конференция материалларининг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш мақсадида Сиздан материалларни **2023 йилнинг 10-апрелгача** жўнатишингизни сўраймиз. Битта муаллиф бир доклад билан, ҳам муаллифликда эса 3 тагача доклад билан иштирок этишлари мумкин. Матн А4 форматдаги оқ қоғозга, юқоридан ва пастдан 2,5 см, чапдан 3,0 см ва ўнгдан 1,5 см чегаралар қолдириб, жойлаштирилади ва **албатта электрон шаклда ҳам тақдим этилади.** Доклад материаллари рақамланмайди ва MicrosoftWord редакторида TimesNewRoman шрифтида 14 ўлчамда (интервал 1,0) rtf форматда расмийлаштирилади.

Материал номи бош (катта) ҳарфлар билан, кўчирилмасдан, марказга ёзилади. Кейин кичик ҳарфлар билан муаллифнинг исми-шарифи, фамилияси, шаҳар, мамлакат, иш жойи, email кўрсатилади. Доклад муаллифининг исми-шарифи ва фамилиясининг тагига чизилади.

Талабларга жавоб бермайдиган ҳолда расмийлаштирилган ва белгиланган муддатдан кечикиб юборилган материаллар босиб чиқарилмайди.

Қабул қилиш муддати: 2023 йил 10-апрелгача.

Анжуман материаллари тўплам шаклида чоп эттирилади.

Анжуман материали, электрон шаклда кўйидаги манзилда қабул қилинади:

Телеграмм (+99897 903 80 81 – АтажановаАнарханДуйсенбаевна) ва E-mail:

anarxan81@mail.ru

Конференция материалларини тўпламда нашр этиш бепул
Конференция материаллари электрон шаклда чоп этилади ва барча муаллифларга бепул
юборилади

Конференцияда иштирок этиш бўйича саволлар туғилган ҳолда, куйидаги манзилга мурожат этишингиз мумкин:

230000 Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, Бердах шоҳ кўчаси, 41-уй.

ЎзР ФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти.

тел.: (61) 222-10-76; **Факс:** (61) 222-17-44; **Веб-сайт:** <http://aknuk.uz>